IQRO JURNALI / 2023
GUVOHNOMA № 060680

E-ISSN : 2181-4341
https://wordlyknowledge.uz
IMPACT FACTOR(SJIF) : 3,934

IMPACT FACTOR (RESEARCH BIB) – 7,245

SPECIAL ISSUE, VOLUME 5, ISSUE 2, 2023

БИОЛОГИК ФАОЛ МОДДАЛАРНИ ЎЗИДА САҚЛОВЧИ АЙРИМ ЎСИМЛИКЛАРНИНГ ИНСОН ҲАЁТИДАГИ ЎРНИ

[1]Хакбердиев Ш.М.,
Жиззах политехника институти доценти[1]
E-mail:h.shyxrat81@gmail.com
[2]Саломов Ш.Н.
Андижон тиббиёт институти талабаси[2]
E-mail:salomovshoxabbosiqro@gmail.com

Аннатация
Юртимизда доривор ўсимликларнинг жуда кўплаб турлари учрайди. Бундай ўсимликлар қаторига наъматак, кийик ўти, қалампир ялпиз, қирқбўғимлар ҳам киради. Доривор ўсимликлар асосида тайёрланадиган дори воситалари, шу жумладан доривор дамламалар ҳам фойдали таъсирга эга бўлиши билан биргаликда зарарли таъсирларининг йўқлиги билан ҳам ажралиб туради.

Калит сўзлар
Дори воситаси, ўсимлик, витамин, наматак, кийик ўти, ялпиз, қирқбўғим, эфир мойлари, витамин, новда, мева, препарат, ўсимлик барги.

Мамлакатимиз турли хил касалликларни доривор ўсимликлар асосида даволаш бўйича ўзининг кўп асрлик анъаналарига эгадир. Буюк юртдошларимиз Ал-Беруний, Ал-Хоразмий, Абу Али ибн Синодек мутафаккир олимларимиз томонидан қадимда тиббиёт амалиётида қўллашга тавсия этилган бой меросимиз ўрнини топди.

Маълумки доривор ўсимликлар асосида тайёрланадиган дори воситалари, шу жумладан доривор дамламалар қатор афзалликларга эга бўлиб, уларни қуйидагича ифодалаш мумкин:

- дори воситасининг тегишли самарадорлигига эга бўлган ҳолда, безарарлиги (кам заҳарлилиги);
- уларнинг “майин” доимий таъсири;
- тез ва осон тайёрлаш имкониятлари мавжудлиги;
- алоҳида мураккаб технологик ускуналар талаб этилмаслиги;
- арзонлиги ва бошқалар.



Таркибида турли хил биологик фаол моддаларни сақловчи ўсимликлардан бири кийик ўтидир. Кийик ўти доривор ўсимлик бўлиб, яснотқадошлар - Lamiaceae оиласига мансуб. Кўп йиллик ёввойи холда ўсувчи ўт ўсимлик. Ўзбекистоннинг барча тоғли худудларида кенг тарқалган. Таркибида эфир мойи, флавоноидлар ошловчи моддалар сақлайди. Тиббиётда гипотензив, спазмолитик, пешоб ҳайдовчи восита сифатида ишлатилади.

Наъматак ўсимлиги раъногулдошлар – Rosaceae оиласига киради. Наъматак турлари бўйи 2 м га етадиган тиканли бута. Май

ойидан бошлаб, июлгача гуллайди, меваси август–сентябрда пишади. Наъматак турлари ўрмонларда, ариқ бўйларида, буталар орасида, тоғларнинг қуруқ тошлоқ ён бағирларида ва бошқа ерларда ўсади. Наъматакнинг айрим турлари бир-биридан мевасининг, новда пўстлоғидаги тиканнинг ранги, шакли, катта-кичиклиги ҳамда новдадаги тиканлар сони ва жойлашишига қараб фарқ қилади. Ўсимликнинг меваси август ойи охиридан бошлаб (қизил рангга кирган вақтда), кеч кузгача йиғилади.

Наъматак ўсимлигининг меваси таркибида бир неча хил витаминлар аралашмаси бор, шу сабабли препаратлари авитаминоз касалликларини даволашда ва олдини олишда ишлатилади. Бундан ташқари наъматак меваси қандолатчилик саноатида маҳсулотларни витаминлаштириш учун қўлланилади.



Маҳсулот таркибида витамин С, В2, К1, Р, 12-18 мг % каротин, 18 % атрофида қандлар, 4-5 % ошловчи моддалар, 2 % атрофида лимон ва олма кислоталари, 3,7 % пектин ва бошқа моддалар бўлади.

Наъматак турларининг мевасидан каротолин препарати ва наъматак мойи тайёрланади. Каротолин меванинг юмшоқ-этли қисмининг мойли экстракти (таркибида асосан каротиноидлар ҳамда токофероллар, тўйинмаган ёғ кислоталар ва бошқа моддалар сақланади) бўлиб, тропик яралар, экзема, эритродермитнинг баъзи турлари ва яраланган шиллиқ пардаларни даволаш учун суртилади ёки докага шимдирилиб, шикастланган жойга қўйилади.

Қалампир ялпиз – Mentha piperita L, яснотқадошлар – Lamiaceae (лабгулдошлар - Labiatae) оиласига киради.

Кўп йиллик, бўйи 30-100 см га етадиган ўт ўсимлик. Қалампир ялпиз ёввойи ҳолда учрамайди. Доривор маҳсулот сифатида асосан қора қалампир ялпиз тури ўстирилади. Ўсимлик баргида 2,4-2,75 %, гул тўпламида 4-6 %, поясида 0,3 % эфир мойи бўлади. Қалампир ялпиз таркибидаги эфир мойидан ташқари, 40мг% каротин, гесперидин, эвпаторин ва бошқа флавоноидлар, бетаин, 0,3 % урсол ва 0,12 % олеанол кислоталар бор. Қалампир ялпиз барги препаратлари, эфир мойидан тайёрланган ялпиз суви, настойкаси кўнгил айнишига ва қусишга қарши ҳамда овқат ҳазм қилиш жараёнини яхшилашда ишлатилади. Бундан ташқари, ялпиз суви оғиз чайқаш ва микстуралар таъмини яхшилаш учун қўлланилади. Эфир мойидан ажратиб олинган ментол қулоқ, бурун, нафас йўллари касалликларида ҳамда тиш оғриғини қолдириш учун ишлатилади. Ментолдан бош оғриғини қолдирадиган мигрен қалами тайёрланади. Ментол препаратлари – валидол, кўкрак қисиш (стенокардия) касаллигида ишлатилади.



Қалампир ялпиз барги тинчлантирувчи, ўт ҳайдовчи, меъда касалликларида ишлатиладиган йиғмалар – чойлар таркибига киради. Спазмолитик ва ўт ҳайдовчи восита сифатида қўллашга тавсия этилади.

Мойчечак доривор ўсимлиги – астрадошлар – Asteraceae (мураккабгулдошлар - Compositae) оиласига киради. Доривор мойчечак бўйи 15-40 см га етадиган бир йиллик ўт ўсимлик. Май ойидан бошлаб кузгача гуллайди. Доривор мойчечак кенг тарқалган бўлиб, у

асосан ўтлоқларда, экинзорларда (бегона ўт сифатида), йўл ёқаларида ўсади. Маҳсулот ўсимлик қийғос гуллаганда тайёрланади. Саватчага тўпланган гуллар таркибида 0,2-0,8 % эфир мойи, флавоноидлар, кумаринлар, диоксикумарин, каротин, витамин С, шиллиқ, аччиқ ва бошқа моддалар бўлади. Мойчечак ичакларнинг ёпишиб қолишига (ичаклар спазми), микробларга, аллергия ва яллиғланишга қарши ҳамда яраларни даволовчи таъсирга эга. Шунинг учун унинг доривор препаратлари меъда-ичак (ичак ёпишиб қолганда ич кетганда) ва гинекологик касалликларни даволашда ҳамда тер ва ел ҳайдовчи дори сифатида ишлатилади. Булардан ташқари, мойчечак гули юмшатувчи, антисептик ва яллиғланишга қарши (оғиз, томоқни чайқашда, шифобахш ванна ҳамда клизма қилишда) қўлланилади.



Мойчечак гули таркибидаги кимёвий бирикмалар комплекси таъсир этувчи ҳисобланади. Хамазулен тинчлантирувчи хоссага ҳамда ичакларнинг ёпишиб қолиши, аллергияга ва ялиғланишга қарши таъсирга эга. Апигенин, апиин ва герниаринлар ҳамда ичакларнинг ёпишиб қолишига қарши таъсир қилади. Мойчечак гулидан (саватчалардан) дамлама тайёрланади. Саватчалар меъда касалликларида, томоқ чайишда ишлатиладиган ва юмшатувчи йиғмалар – чойлар таркибига ҳам киради. Яллиғланишга қарши ва спазмолитик восита сифатида қўллашга тавсия этилади.



Дала қирқбўғими – Equisetum arvense L.; қирқбўғимдошлар - Equisetaceae оиласига киради. Дала қирқбўғими кўп йиллик, спорали ўсимлик. Ўсимлик кенг тарқалган бўлиб, чўл ва ярим чўл туманлардан ташқари ҳамма ерда учрайди. Қирқбўғим ўсимлиги асосан, ариқ бўйларида, қумли Ёз ўтлоқларда, буталар орасида, ўрмонларда ва экинзорларда ўсади. ойларининг ўрталарида ўсимликнинг ер устки қисми, ёзги спора ҳосил қилмайдиган пояси ердан 5 см баландликда ўриб олинади. Маҳсулот таркибида 5% гача эквизетонин сапонини ҳамда никотин, эквизетин алкалоидлари, флавоноидлар, 0,03- 0,19% витамин С, 4,7 мг% каротин, олма, оксалат ва 25% гача силикат кислоталар бўлади. Булардан ташқари, маҳсулот таркибида ошловчи, аччиқ моддалар ва смолалар учрайди.

Қирқбўғим препаратлари қон айланиши етишмовчилигида, сийдик пуфаги яллиғланишида ва сийдик йўллари касаллигида сийдик ҳайдовчи восита сифатида ишлатилади. Булардан ташқари, дала қирқбўғими ўпка сили касаллигининг силикат кислота алмашинувининг бузилишига боғлиқ баъзи формаларини даволашда, шунингдек, бачадондан қон оққанда ва бавосил касаллигида қон тўхтатувчи модда сифатида ишлатилади. Дала қирқбўғими ўсимлиги буйракнинг баъзи касалликларида (нефрит, нефроз ва нефрозо-нефрит) истеъмол қилинмайди. Суюқ экстракт, қайнатма, дамлама. Маҳсулот яна сийдик ҳайдовчи чой – йиғмалар таркибига киради. Пешоб ҳайдовчи восита сифатида қўллашга тавсия этилади.

Фойдаланилган адабиётлар

Google Scholar OpenAIRE zenodo doi digital object identifier ResearchGate ADVANCED SCIENCE INDEX
SEMANTIC SCHOLAR Crossref DRJI Scientific Journal Impact Factor
TOGETHER WE REACH THE GOAL

1. Муравьева Д. А., Самылина И. А., Яковлев Г. П. Фармакогнозия: учебник для студентов фармацевт. вузов. - 4. изд., перераб. и доп. - М. : Медицина, 2002. - 652 с.
2. Handbuch der Pharmakognosie, 2 Aufl., hrsg. A. Tschirch, Bd 1-3, Lpz., 1930-33

WORDLY KNOWLEDGE